Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддаси

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

36
(781)-son
7-sentabr
www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz
2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Ватанимизнинг фусункор шаҳарларидан бири — кўҳна Марғилон ўзининг 2000 йиллик қутлуғ тўйини нишонламоқда.

3-БЕТ

Ушбу сонда:

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ЖИЛОЛАРИ — 2-БЕТ

ХАЙРЛИ ИШЛАР — 5-БЕТ

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ — 6-БЕТ

НОРВЕГИЯ ПОЧТАСИ — 11-БЕТ

ПОКЛАНИШ ОЙИ — 16-БЕТ

WWW ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

UzNet Internet Service Provider — сифат рамзидир

Sarkor Telecom Internet service provider — юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

☑ **Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.**

2007 йил 31 август куни Ўзбекистон Миллий боғига ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрди.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб олдилар. Минбарга таклиф этилган давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этди.

☑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтган хотирлаш маросимида иштирок этди.

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи экспонатларини кўздан кечирган давлатимиз раҳбари музей фаолиятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенгайтириш, янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

☑ **30 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президенти Девонининг мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлиси бўлди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" мавзуида маъруза қилди.

☑ Президент Ислом Каримов 30 август куни "Ўзэкспомарказ"да ташкил этилган "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" кўргазма экспозициялари билан танишди.

☑ **Матбуотда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни чоп этилди.**

☑ Мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Юртбошимиз номига жаҳоннинг кўплаб давлат раҳбарлари ва жамоат арбоблари номидан табрик хатлари келмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси Президенти В.Путин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун, АҚШ Президенти Ж.Буш ва бошқа кўплаб давлат раҳбарлари номидан қутловлар келди.

☑ **Янги ўқув йилининг биринчи соати барча умумтаълим мактабларида "Мустақиллик дарслари"га бағишланди. Жумладан, пойтахтимиз умумтаълим мактабларининг "Мустақиллик дарслари" Мустақиллик майдонида ўтказилди. Янги ўқув йили мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган 9773та мактабда биринчи қўнғироқ тадбири билан бошланди. Таълим кошоналари 2007-2008 ўқув йилида 5 миллион 457 минг 710 нафар ўқувчини ўз бағрига олди.**

☑ Матбуотда "Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.

☑ **Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб "Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!" мавзуида дўстлик кечаси ўтказилди.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ "ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ" МАВЗУИДА МАЪРУЗА ҚИЛГАН ЭДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ, ХАЛҚИМИЗ БОСИБ ЎТГАН МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БАТАФСИЛ, ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ БЕРДИ. ҚУЙИДА АНА ШУ МАЪРУЗАДА КЕЛТИРИЛГАН АЙРИМ РАҚАМЛАР ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИНАДИ.

Тарихан жуда қисқа муддатда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун Қуролли Кучларимиз шакллантирилди.

Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди. Фарғона ва Олтиарикдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди.

Шўртан газ-кимё мажмуаси каби ноёб иншоот барпо этилди.

Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобил заводлари қурилди.

Ташқи сиёсат ва дипломатик хизмат шакллантирилди. Ҳозирги вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48та дипломатик ваколатхонаси бор. Ўзбекистонда эса 86та элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Бир минг 140тага яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4 минг 680дан зиёд умумтаълим мактаби янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди, уларда компютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ЖИЛОЛАРИ

Олий таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 65та олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар томонлама жиҳозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар йўналтирилди.

Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Республикамизда ялпи ички маҳсулот 1990 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди.



Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади.

Солиқ юкини камайтириш борасида ҳам изчил сиёсат олиб борилмоқда. Фақатгина 2000-2007 йиллар давомида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ миқдори эса 10 фоизга камайтирилди. Кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизгача камайтирилди.



Умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган Навоий-Нукус, 223 километрлик Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл магистраллари, Қамчиқ довони орқали ўтадиган тезкор автомобил йўли барпо этилди.

Бугунги кунда юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди — мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади.

Истиқлол йилларида 36 минг километрлик сув қувурлари, 72 минг километрлик газ тармоқлари ишга туширилди.

Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган, уларда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда. Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортди.

ҚУТЛУҒ ТЎЙИНГ МУБОРАК, МАРҒИЛОН!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўн тўққизинчи асрнинг 70-йиллари ўрталарида Фарғона водийсига илмий сафарга келган рус олими А.Федченко Марғилонни ҳам зиёрат қилган ва уни "глиянный город", яъни гувала уйлардан қурилган шаҳар деб атаган эди. Зеро, ўша замонларда Марғилон асосан кичик-кичик гувала деворли уйлар, қиғир-қийшиқ тор кўчалардан иборат эди. Кейинги юз йилликларда ҳам шаҳар қиёфаси деярли ўзгармади — ўша тор кўчалар, пастак-пастак уйлар сақланиб қолди. Фақат истиқлол йилларидагина шаҳар бутун бўйи басти билан чирой оча борди. Айниқса, ўзининг 2000 йиллик тўйига тайёргарлик жараёнида Марғилон янада кўркамлик касб этди-ки, буни бир-биридан равон кўчаларда, бетакрор меъморий ечим билан бунёд этилган коллежлару мактабларда, чаманзорлар тароватида кўриш мумкин.

Юбилей шаҳардаги тарихий ёдгорликларга ҳам қайта жон бахш этди, гўё. Каттарли мозор бугун ташриф буюрган кишини гўзал, улуғвор манзара ила кутиб олади. Пир Сиддиқ мажмуаси, Бурҳониддин Марғиноний чиллахонаси, бошқа қатор обидалар жойлашган 1,5 гектардан ортиқ майдондаги мажмуа бугунги кунда асл ҳолига қайтди. Бу кўркам масканда улкан жоме масжиди, зиёратхона барпо этилди.

Фарғона тарихининг билимдони, этнограф олим А.Писарчик Машад мозор ёки Чакка мозор номлари билан аталадиган қабристонни Марғилондаги энг қадимий қабристон дея таърифлайди. Илмий-тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу ерга ўрта асрларда яшаб ўтган атоқли олим Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ ал-Марғилоний дафн этилган. Бу муборак мажмуанинг таъмирлаш-тиклаш ишларини бухоролик қўли гул усталар амалга оширдилар.

Марғилон деганда кўз олдимизда, шубҳасиз, аждодимиз, момомиз Жаҳон Отин Увайсий намоён бўлади. Бугун беназир бу шоиранинг мақбараси, хонадони обод гўшага айлантирилганидан кўнгиллар яна бир бор шод бўлди.

Умумий ер майдони 90 минг квадрат метрдан иборат Ёшлар хиёбони, Марказий Осиёдаги ягона, баландлиги 15, узунлиги 60 метрли электропаннога эга 1400 ўринли амфитеатр, болалар аттракционлари... эҳ-ҳэ, бу каби бунёдкорлик ишларининг санаб саноғига етиш қийин.

Интернетда махсус сайт тайёрлангани, сайтга Марғилоннинг тарихи ва бугунги куни ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар, кўплаб фотосуратлар киритилгани бу азим шаҳарни бутун дунё аҳлига бевосита танитишда муҳим омил бўлгани тайин.

Муборак тупроғига Бобуру Машраблар қадами теккан, Муқимий, Фурқат, Рожий Марғиноний каби ўнлаб қалам аҳлларига илҳом бағишлаган, ислом ҳуқуқ илмининг тенгсиз алломаси Бурҳониддин Марғинонийни вояга етказган Марғилон чиндан-да шукуҳли шаҳарга айланди.

Қутлуғ тўйинг муборак, Марғилон!



MUNOSABAT

Фахрлансак арзийди

Ҳамон юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезиб юрибди. Ўтган йилларга назар ташласак, барча жабҳада улкан ютуқларни қўлга киритганимизга амин бўламиз. Юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисда Президентимиз И.Каримовнинг маърузасида таъкидланганидек, мана шу ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкамаелка туриб, улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорчилик билан эслаш учун асос беради.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда алоқа соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришилди. Соҳага жуда катта сармоялар киритилмоқда. Масалан, JBIC лойиҳасини олиб кўрайлик. Ана шу лойиҳани иккинчи босқичи жуда қисқа фурсат — бир ярим йил ичида амалга оширилган эди. Натижада 2,7 минг км.га оптик-толали кабеллар ётқизилиб, 44та рақамли станция, 185та рақамли узатиш тизими қурилди. Мазкур лойиҳадан тежалган маблағ эвазига Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида телекоммуникация тармоқларини ҳамда бошқа вилоятларда телеузатгичларни реконструкция қилиш ва ривожлантириш ишлари олиб борилди. Ёки бўлмаса "Хуавей технолоژис" компанияси билан телекоммуникация тармоқларини замонавийлаштириш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар бажарилди. Тошкент шаҳар телефон алоқасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ва оширилаётган ишларнинг қўламини айтмайсизми! Буларнинг барчаси мустақиллик берган имкониятлар туфайлидир.

Олмос ХАМЗИН,
"Ўзбектелеком" АК сармоя бўлими бошлиғи, "Дўстлик" ордени соҳиби

МАРҒИЛОН БИР НЕЧА ЧАҚИРИМГАЧА ЧЎЗИЛГАН БОҒЛАР БИЛАН ЎРАЛГАН БЎЛИБ, УНИНГ ҲАР ТАРАФИДАН ГУМБАЗЛАР ВА МАСЖИДЛАРНИНГ САЛОБАТЛИ МИНОРАЛАРИ ҚАД КЎТАРГАН... МАҲАЛЛИЙ АФСОНАЛАРГА КЎРА, ФОТИҲ ИСКАНДАР ШУ ШАҲАРДА ВАФОТ ЭТГАН... ШУБҲАСИЗКИ, МАРҒИЛОН ЎЗИНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ БИЛАН МАҒРУРЛАНИШГА ҲАҚЛИ БЎЛГАН ШАҲАРЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.

Элизе Реклю, XIX аср француз тарихчиси ва жамиятшуноси

Тўёна

Марғилон шаҳар почта алоқаси тармоғида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг "Ўзбекистон маркаси" филиали томонидан тайёрланган "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги" почта маркасини сўндириш маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов табрик сўзи билан очиб, жумладан шундай деди:

— Барчангизни Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги билан самимий табриклайман. Юртбошимизнинг Марғилоннинг тўйини ўтказиш тўғрисидаги қарори чиққанидан буён амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовордир. Саид Аҳмад Хўжа Эшон мажмуаси, Пир Сиддиқ мадрасаси, Гўри Аввал, Увайсий уй-музейи, ёпиқ Сув ҳавзаси, Деҳқон бозори, тиббиёт ва мактаб биноларини, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган ишлар қўлами ва файзини бугун ўзингиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибсиз.

Марғилонда биринчи марта ўтказилаётган ушбу маросим ҳам мустақиллик шарофатидир. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан буён кўплаб маркалар, махсус тамғалар чиқарилди. Биринчи марка Нодирабегимга бағишланган эди. Шуни таъкидлаш зарурки, маркалар Ватанимиз белгиси, даракчиси, Ўзбекистонни Ўзбекистон қилиб дунёга кўрсатадиган ташриф қоғози, саньат асарлари десак, асло муболаға бўлмайди. Шунинг учун улар ҳар биримизга азиз ва қадрли. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган почта маркаси ва махсус хотира тамғаси ҳам ана шундай қимматлидир.

Маросимда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, Агентликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Н.Турғунов, Фарғона вилояти ҳокими А.Абдуллаев, шаҳар ҳокими Н.Раҳматуллаев, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали директори М.Маҳмудовлар иштирок этдилар.

Фахрий почтачилар — Нўъмон Каримов, Холмат Алиев, Турсунбой Ёдгоровлар ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришга хизмат қилувчи ушбу тадбиринг аҳамияти ҳақида гапириб, ёшларга мустақилликни мустаҳкамлашдаги эзгу ишларида катта муваффақиятлар тиладилар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Эътиборга яраша

Кейинги йилларда "Фарғона Телеком" филиали ёрдами билан олис тоғ бағрида жойлашган Сўх туманида ҳам алоқа хизмати сифати яхшиланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда туман телекоммуникациялар боғламасидаги марказий АТС янги рақамли АТСга алмаштирилиб, монтаж ишлари амалга ошириляпти. Тумандаги "Навобод", "Истиқлол", "Бобокалон", "Янгиариқ", "Қалъа", "Сариханда", "Сарибозорча" маҳаллаларида яшовчи аҳоли эндиликда еттита рақамли янги АТС хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Боғлама ходимлари абонентларга кўрсатиладиган қўшимча хизмат турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мижозлар бўлими томонидан бу иш кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Олдиндан аванс тўловлари, қўшимча хизмат турлари учун алоҳида тўловлар қабул қилинмоқда.

Бу каби ижобий ўзгаришларга боғлама бошлиғи Мирзаолим Шеров бош-қош бўлаётир. АТС муҳандиси Абдусалом Жўраев, Фаррух Мелиев, техниклар — Масъуджон Ҳамроалиев, Ҳакимжон Муродовлар абонентларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш йўлида тинимсиз иш олиб боришмоқда.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ

XALQARO HAYOT

КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Толиблар қўлида туткунликда сақланаётган 19 нафар жанубий кореялик фуқаронинг 12 нафари озодликка чиқарилди.

Толиблар ва расмий Сеул делегацияси ўртасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида гаровда қолган яна 7 нафар шахсни озод этиш эвазига Жанубий Корея 2007 йил охирига қадар ўзининг 200 аскарини Афғонистондан олиб чиқиб кетиши тўғрисида келишувга эришилган.

ЯДРО ИНШООТЛАРИ ЁПИЛАДИ

АР хабарига кўра, Корея Халқ Демократик Республикаси шу йилнинг охиригача ўзининг барча ядро иншоотларини ёпади.

Хитой, КХДР, АҚШ, Россия, Япония ва Корея Республикаси иштирокида ўтказилган олти томонлама музокараларда Америка делегациясини бошқарган Кристофер Хиллнинг таъкидлашича, сўнгги ишчи гуруҳи йиғилишида расмий Пхенян билан ядро объектларини тўхтатишнинг техник жиҳатлари келишиб олинган.

ЛИТВАНИНГ ХАВОТИРИ

Келгуси йил бошида газ нархининг ошиб кетишидан хавотирланаётган Литва ҳукумати Европа Иттифоқининг бошқа давлатларини газ баҳоси бўйича "Газпром" билан музокаралар олиб боришга чақирди.

Бу ташаббусни ҳозирча ЕИ давлатлари қўллаб-қувватлаганича йўқ. Еврокомиссиянинг энергетика бўйича расмий вакили Ферран Тарраделласнинг таъкидлашича, газ масаласидаги музокаралар давлатлараро эмас, балки шу ишга алоқадор компаниялар ўртасида олиб борилиши зарур.

АҚШ САМОЛЁТИ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Иордания пойтахтига учаётган АҚШнинг ҳарбий юк ташувчи самолёти Ироқ ҳудудидан ўтаётганда ракетадан ўққа тутилди.

The New York Times газетаси хабарида айтилишича, самолётда республикачи-сенаторлар Ричард Шелби, Жеймс Инхоф ва Мел Мартинес ҳамда демократ-конгрессмен Роберт Крамер бўлган. Шелбининг таъкидлашича, учта ракета ҳам самолётга жуда яқин келган. Учувчиларнинг маҳорати туфайлигина ҳаво кемаси омон қолган.

ҚЎШИН "САРОЙ"ДАН ЧИҚМОҚДА

Буюк Британия ҳукумати ўз қўшинларини Ироқнинг Басра шаҳридаги мустаҳкам ҳимояланган "Сарой" ҳарбий базасидан олиб чиқишни бошлади.

"Сарой"да шу вақтга қадар 550 нафар аскар хизмат қиларди. Энди улар Басра аэропорти яқинидаги ҳарбий базага кўчирилди. Майор Майк Ширернинг қайд этишича, аскарларнинг олиб чиқилишидан кўзланган асосий мақсад – шаҳар назоратини Ироқ қўшинларига топширишдир.

ҲАРБИЙЛАР СОНИ ҚИСҚАРАДИ

Молдовада ҳарбийлар сонини қисқартиришнинг навбатдаги босқичи бошланди.

Мамлакат мудофаа вазири Виталия Врабиенинг қайд этишича, ҳарбийлар сони энди 6500 нафарни ташкил этади. Вазирнинг гапига қараганда, биринчи навбатда вазирлик аппаратида қисқариш бўлади. Шунингдек, шартнома асосида хизмат қилаётганлар сони ҳам 300 нафарга қисқаради.

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Истеъмолчиларга даврий матбуот нашрларининг ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилишини таъминлаш, хизматлар кўрсатиш сифати, хизмат кўрсатиш жойларида мижозлар учун зарур маълумотларнинг мавжудлиги ҳамда соҳага тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилиши Давлат алоқа инспекцияси томонидан доимий назоратга олинган.

Матбуот дўконлари хизмати талаб даражасидами?



Бугунги кунда Тошкент шаҳрида жойлашган матбуот дўконларида республикада нашр этилаётган асосий газета ва журналларнинг сотувда мавжудлиги, мижозлар эътибори учун зарур маълумотларнинг ёзиб қўйилганлиги ҳамда эстетик безатилиши юзасидан Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда мониторинг ишлари олиб бормоқда. Жумладан, 2007 йилнинг 1 ва 2-чорак режасига асосан 26та матбуот дўконида ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганиш жараёнида газета ва журналларнинг белгиланган нархлардан қиммат сотилиши, мижозларга қўпол муомалада бўлиш, тегишли шартномалар тузилмасдан таксофон хизматлари кыўрсатилиши ва санитария меъёрларига риоя қилинмаслик ҳоллари аниқланди. Хусусан:

- Тошкент шаҳрида жойлашган 627, 569, 2, 24, 599, 665-сонли дўконларда «Ҳордиқ», «Тўтиқуш», «Кайфият» газеталари белгиланган нархдан қиммат сотилаётган бўлса, 2, 24, 665, 595-сонли дўконларда ўрнатилган тартибда шартнома тузилмай, шаҳар телефонлари ва уяли телефонлар орқали таксофон хизматлари кўрсатилмоқда;

- 627, 691-сонли матбуот дўконларининг эстетик безатилиши ва санитария ҳолати талаб даражасида эмас, яъни дўкон ичи тартибсиз, нотоза, ойналарида мижозларга кўринарли жойда сарғайган, эски газеталар осиб қўйилган. 595-сонли дўконнинг олд ва ён томонидаги ойналари синган бўлиб, сочилиб кетмаслиги учун скотч билан ёпиштирилган;

- 569, 574, 610, 634-сонли дўконларда хизмат кўрсатаётган сотувчининг исм-шарифи ёзилган белгиси (бейжиги) мавжуд эмас;

- 2 (Д.Раҳимова) ва 665-сонли (С.Абдураззоқова) дўконларда «Матбуот тарқатувчи» АКга дахлдор бўлмаган бегона шахслар дўконларга жавобгар шахсларнинг кўриқчиси сифатида ўтирган. Ўрганиш ўтказилишига рухсат берувчи ҳужжатлар дўкон ходимига тақдим этилишига қарамасдан сотувчи томонидан қўпол муомала қилинган.

Юқорида таъкидланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан «Матбуот тарқатувчи» АКга берилган хатлар асосида камчиликлар бартараф этилганлиги ва қуйидаги масъул шахсларга тегишли чоралар кўрилганлиги тўғрисида Давлат алоқа инспекциясига маълумотлар тақдим этилган бўлишига қарамасдан, ўрганилаётган бошқа матбуот дўконларида ҳам ушбу камчиликларнинг такрорланиш ҳоллари учрамоқда.

«Матбуот тарқатувчи» АКнинг 2007 йил 30 январдаги 15-сонли буйруғи билан камчиликларга йўл қўйган 627-сонли (Н.Абдумажидова), 2007 йил 6 мартдаги 43-сонли буйруғи билан 610-сонли (М.Акбарова), 634-сонли (З.Шохалилова), 574-сонли (Х.Искандарова) дўконларда хизмат кўрсатаётган масъул ходимларга ҳайфсан эълон қилинган, 569-сонли дўкон масъул ходими С.Мусаевага, 2007 йил 26 июндаги 146-сонли буйруқ билан 2-сонли (Д.Раҳимова), 665-сонли (С.Абдураззоқова), 599-сонли (М.Миралиев), 24-сонли (Ж.Баймуратова) дўконларда хизмат кўрсатаётган масъул ходимларга ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима солинган. 691-сонли дўкон масъул ходими С.Мирсаидова огоҳлантирилган.

Ўйлаймизки, «Матбуот тарқатувчи» АК раҳбарияти ўз ишига масъулият ва жавобгарлик ҳисси билан ёндашиб, юқорида келтирилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқаради ва уларни бартараф этган ҳолда мижозларга сифатли хизматлар кўрсатилишини таъминлашади.

Ш.НУРИТДИНОВА,
Тошкент шаҳар ДАИ инспектори

MOBIL XIZMATI YANGILIKLARI

Қўшниларимиз янада яқин

«Unitel» масъулияти чекланган жамияти янги — «ҚЎШНИЛАР» тариф режасини амалга киритди.

«Билайн» абонентлари учун Россия ва Марказий Осиё (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон) мамлакатларидаги яқинлари ва дўстлари билан дақиқасига 30 цент бўлган ягона баҳода суҳбат қуриш имкони яратилди.

— Ўзбекистонда яшовчиларнинг кўпчилигининг Россия ва қўшни мамлакатларда қариндошуруғлари ва дўстлари бор. Ишончимиз комилки, ушбу янги тариф режаси ана шундай кишиларга жуда мос келади ва улар ўзлари учун қадрли бўлган инсонларга арзон нархда қўнғироқ қилиш имконини муносиб баҳолайдилар, — деди «Unitel» МЧЖ тижорат ишлари директори Евгений Скрипник.

«Қўшнилар» тарифининг ўзига хос томони шундаки, унда биринчи сониядан бошлаб секундлаб тарифлаш амал қилади. Бу тариф режасида абонент тўлови мавжуд эмас. Тармоқ ичидаги чиқиш қўнғироқлари дақиқасига 3 цент, тармоқ ичидаги кириш қўнғироқлари – бепул. Бутун республика бўйича қолган барча қўнғироқлар ягона нарх – дақиқасига 6 цент миқдорида тарифланади.

Ушбу тариф режасига *110*510# қисқа кодини териш орқали ўтиш мумкин. Тариф режасини ўзгартириш нархи — $0,05.

«Билайн»нинг бошқа тариф режаларидаги каби, «Қўшнилар» тариф режасида ҳам абонентлар ўз маблағларини нол балансгача сарфлашлари ва бунда кириш қўнғироқлари ҳамда қисқа хабарларни қабул қилишлари мумкин.

Нуфузли ташкилотларнинг жойлардаги Мустақиллик байрамига тайёргарлик ишларини ўз оталиқларига олишлари анъанага айланган. Бу йил ҳам шундай бўлди. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманига масъул этиб белгиланди.

Хайрли ишлар

Чилонзор туман ҳокимлиги ва "Ўзбектелеком" АКнинг 2007 йил 1 июндаги қўшма қарорининг иккинчи бандига асосан, туманнинг "Бўстон", Ал-Хоразмий, "Шароф", "Шарқ", "Гулистон", "Баҳористон" маҳаллалари компаниянинг "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалига бириктирилди.

"ТошТТС" филиали ходимлари 16 июндан 26 августгача ҳар шанба ва якшанба кунлари ҳашар уюштиришди ва ҳудуддаги маҳаллаларнинг янада обод бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишди. Ҳашарларда ҳар ҳафтада ўртача 15-20 киши иштирок этди. Ал-Хоразмий маҳалласида болалар учун ўйин майдончаси қуришга филиал ҳисобидан 6500000 сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳар шанбалик кунларида кўп қаватли уйларнинг таъмирталаб эшик-ромлари созланди, йўлакларига чироқлар ўрнатилиб, лифтларнинг ишлаши назоратга олинди, ариқ ва зовурлар тозаланиб, дарахтлар оқланди, чиқиндилар транспорт воситалари ёрдамида белгиланган жойларга олиб чиқилди. Маҳалла ҳудудидаги йўл усти тўсиқлари оқланиб, йўловчиларнинг дам олишлари учун керакли ерларга ўриндиқлар ўрнатилди.

Шунингдек, "Бўстон" ва "Баҳористон" маҳаллаларида яшаётган икки нафар ногиронга ногиронлар аравачаси топширилди. Ижтимоий ҳимоя йили ва Мустақиллик байрами муносабати билан кам таъминланган оила фарзандлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди, ғолиб чиққанларга қимматбаҳо ғиламлар совға қилинди.

— Бир-бирига ёрдам бериш, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик — олижаноблик тимсоли саналади, — дейди амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар экан "ТошТТС" филиали директори Амир Газиев. — "Алгоритм-17" ҳудудида жойлашган 6та маҳалла тозалигига филиалимизнинг 400дан ортиқ ходими ҳисса қўшди. Бундай хайрли ишлар давом этади, бундан-да кўп кўнгиллар кўтарилиб, мехрга муҳтожларга саховат кўрсатилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, "Ўзбектелеком" АК ва Чилонзор тумани ҳокимининг 2007 йил 5 июндаги қўшма қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, "Энг яхши округ", "Энг яхши уй-жой мулкдорлари ширкати", "Энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини", "Энг яхши уй бошлиғи", "Энг яхши йўлак бошлиғи" номинациялари бўйича танлов ташкил қилинди.

Маҳмуда АРИПОВА,
"Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали масъул ходими

Бахтли аёллардан бириман

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорода халқ хўжалигининг турли тармоқларида, шу жумладан, алоқа соҳасида узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган аёллар талайгина.

Ҳамкасб дугоналаримга, алоқачи опа-сингилларимга боқар эканман, мустақиллик йилларида улар том маънода бахт-саодатга эришганликларига, ҳурлик ва озодлик нашидасидан тўла баҳраманд эканликларига, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этиб келинаётганликларига амин бўламан.

Мамлакатимизда кейинги йилларда, айниқса, ахборот-коммуникация соҳасида рўй берган ўзгаришларни бутун дунё эътироф этиб турибди. Ана шу мислсиз янгиликлар 1996 йилдаёқ бугунги кунда мен ва ҳамкасб дугоналарим фаолият кўрсатаётган Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси таркибидаги 5-АТС иш жараёнига ижобий таъсир кўрсатгани кўпчиликка яхши маълум. Ўшанда, яъни бундан 11 йил олдин ўз муддатини ўтаб бўлган бир қатор эски русумдаги станциялар Жанубий Кореянинг 30 минг рақамга мўлжалланган янги русумдаги "DTS-3100" станциялари билан алмаштирилган, мен ҳам малакали мутахассислар билан бирга улаш-созлаш ишларида қатнашган эдим.

Ҳа, орадан йиллар ўтади. Келажаги буюк давлатимиз ўзининг бутун гўзаллиги-ю, маҳобати билан мустақил, озод ва обод мамлакат сифатида йиллар ва асрлар оша қад ростлаб тураверади. Миннатдор авлодларимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини мамнуният билан тилга олишлари айни ҳақиқат. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз қалбидаги чексиз фахр-ифтихор туйғусининг асосий боиси ҳам шудир.

Маҳбуба ФУЗАЙЛОВА,
Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 5-АТС катта электромеханиги

ISLOHOTLAR AMALDA

РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали тизимида 13та почта алоқаси тармоғи ҳамда Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси, 285та алоқа бўлими мавжуд бўлиб, уларда минг нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилиб келмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 865573,8 минг сўм даромад олинди. Эътиборли томони, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан даромаднинг — хат-хабар бўйича 98,4 фоиз, обунадан 133, газета сотувидан 120,9, пенсия тарқатиш хизматидан 144,5 ва ҳар хил қўшимча хизмат турларидан 114,0 фоиз ўсишига эришилди.

Алоқа шахобчаларида ахборот коммуникацияларини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида 2005 йилда 13та, 2006 йилда 11та компютер, тезкор хизмат учун жорий йилда тўртта «Дамас», жўнатмаларнинг ҳар хил турларини жўнатишда тарифларнинг аниқ қўлланилишини таъминлаш учун 64 дона электрон ўлчов воситалари олинди. Тизимдаги Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси, Шаҳрисабз, Китоб, Муборак почта алоқаси тармоқларида электрон пул жўнатмалари тизими ишга туширилди. Ушбу тизимдан ярим йил мобайнида 1285та электрон пул ўтказмаси қабул қилиниб, олинган даромад 4947,8 минг сўмни ташкил этди.

Қарши шаҳри марказида барча қулайликларга эга бўлган интернет-кафе ишга туширилди.

Обуна даврида ишлатиладиган олдинги касса аппаратларидан воз кечилиб, амалиётларни компютер орқали бажариш йўлга қўйилди.

Филиал ва почта алоқаси тармоқлари ўртасидаги маълумотлар тезкор алмашувини таъминлаш, электрон пул ўтказмалари тизимини кенгайтириш, марказлашган обунани ташкил этиш, MBS биллинг тизимини йўлга қўйиш, почта алоқаси тармоқларидаги шаҳарлараро хизмат телефон сўзлашувларини камайтириш мақсадида жами 8та тармоқни «Ўзбектелеком» АКнинг «UzNet» филиали орқали ягона тармоққа улаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, туман почта алоқаси тармоқлари билан алоқа бўлимлари ўртасида узлуксиз телефон алоқасини йўлга қўйиш, мулкни сақлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жойларга 61 дона мобил алоқа воситаси тақсимланди.

Филиал ва унинг тизимидаги Ғузор, Янги Нишон, Янги Миришкор, Чироқчи ҳамда Шаҳрисабз почта алоқаси тармоқлари бинолари жорий таъмирдан чиқарилиб, иссиқлик тизимлари қайта созланди. Қамаши ҳамда Карашина почта алоқаси тармоқларининг бинолари реконструкция қилинди. Почта хизмати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Чироқчи ва Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси биноларининг атрофи темир панжаралар билан ўралди. Филиал биносининг атрофида кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилгани сабабли манзарали дарахт кўчатлари, анвойи гуллардан иборат гўзал манзара яратилди.

Филиалнинг Косон тармоғида иккита, Яккабоғ тармоғида саккизта, Муғлон тармоғида иккита алоқа бўлими жойлашган бино тармоқлар балансига олинган бўлса, филиал томонидан Қарши шаҳрида 14 млн 497 минг сўм ҳисобига 17-алоқа бўлими биноси қуриб ишга туширилди.

Филиалнинг Косон тармоғида иккита, Яккабоғ тармоғида саккизта, Муғлон тармоғида иккита алоқа бўлими жойлашган бино тармоқлар балансига олинган бўлса, филиал томонидан Қарши шаҳрида 14 млн 497 минг сўм ҳисобига 17-алоқа бўлими биноси қуриб ишга туширилди.

Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг 1 июл ҳолатида филиал томонидан 73 нафар кам таъминланган ходимга 707940 сўм, қарамоғида 4 ва ундан ортиқ боласи бор 35 нафар ходимга 583680 сўм, ногирон фарзанди бор бир ходимга 64768 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Филиал тизимида ишлаётган байналмилалчи ва Чернобил АЭС ҳалокатини бартараф этишда иштирок этган 13 нафар ходимга 322920 сўм, маҳаллий ҳокимият қарорларига асосан беш нафар кам таъминланган фуқарога корхона маблағи ҳисобидан 62100 сўм, филиал цех қасаба уюшма қўмитаси маблағлари ҳисобидан 12 нафар кам таъминланган ходимга 447120 сўм, табиий офатдан уй-жойи талафот кўрган икки нафар ходимга 145383 сўм, соғломлаштириш оромгоҳларида алоқа ходимларининг фарзандларини ёзги таътилда мароқли дам олдириш учун 2477800 сўмлик маблағ сарфланди. Филиалда фаолият кўрсатаётган тиббий хонага 300000 сўмлик дори-дармонлар олинди.

Энг асосийси, филиал ўз олдига замон талабларидан келиб чиқиб, филиал ва почта алоқаси тармоқлари ўртасида, барча соҳавий ахборотларни алмашишда корпоратив тармоққа улаш ишларини «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга қарашли ҳудудий филиаллар орасида биринчилардан бўлиб амалга оширишни мақсад қилиб қўйган.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Новости в сфере ИКТ

Индия обогнала США

Во втором квартале текущего года Индии удалось обогнать США по продажам мобильных телефонов Nokia и стать вторым по величине рынком финской компании после Китая. За восемнадцать месяцев, с февраля 2006 года по август 2007 года, Nokia выпустила на своем заводе Nokia Telecom Park близ индийского города Ченная (бывший Мадрас) 60 миллионов сотовых аппаратов.

В течение следующих трех лет компания Nokia Siemens Networks (совместное предприятие Nokia и Siemens) намерена инвестировать в индийский рынок около 100 миллионов долларов США. Сегодня в индийских филиалах Nokia трудится 9000 человек.

По данным на конец июля, количество пользователей сотовой связи в Индии составило 185 миллионов человек. Ежемесячно местная абонентская база увеличивается на 6 миллионов новых пользователей.

Германия намерена легализовать троянов

Не исключено, что правоохранительные органы Германии в скором времени смогут использовать троянские программы для слежки за пользователями интернета на законных основаниях. Предложение о легализации подобной «меры безопасности» поступило от Министра внутренних дел страны Вольфганга Шойбле.

Суть плана, предложенного властями, состоит в следующем. Агенты спецслужб будут рассылать электронные письма со шпионскими модулями от имени различных правительственных организаций, например, Министерства финансов. При просмотре письма получателем на компьютер будет незаметно проникать троянская программа, посредством которой правоохранительные органы смогут следить за действиями пользователя и просматривать файлы, хранящиеся на жестком диске.

Предполагается, что применять троянские программы для слежки спецслужбы смогут только после получения соответствующей санкции суда. Рассылать шпионские модули власти намерены, в первую очередь, лицам, подозревающимся в причастности к террористической деятельности.

Предложение властей Германии уже вызвало резкую критику со стороны правозащитных организаций, которые утверждают, что слежка при помощи троянских программ станет прямым нарушением общепринятых прав человека на частную жизнь.

Минималистичный телефон-батарейка

Японская компания Sanyo совместно с оператором Willcom представили необычный сотовый телефон, совершенно лишенный мультимедийных функций и даже экрана, но зато работающий от единственного пальчикового аккумулятора до 250 часов в режиме ожидания. По идее, телефон может работать и от обычной батарейки, но время работы не уточняется.

Новая беспроводная технология

Инженерам из Центра электронных разработок в Джорджии удалось приспособить радиочастоту 60 ГГц для передачи больших объёмов цифровой информации на расстоянии. Эта технология когда-нибудь сможет составить конкуренцию Wi-Fi, Bluetooth и другим подобным разработкам.

Современные беспроводные технологии позволяют передавать лишь небольшое количество данных, в то время как новая разработка позволяет перемещать крупные файлы между устройствами практически мгновенно. Получить разрешение на использование частоты будет достаточно просто, так как она не занята и, к тому же, информация на ней будет передаваться на расстояние не более 10 метров.

На рынке уже появились подобные высокоскоростные разработки. Так, например, технология Ultra-Wideband позволяет передавать данные на частоте 10,3 ГГц и уже встраивается в портативные устройства компании Toshiba. Максимальная скорость передачи данных с помощью неё, однако, составляет не более 480 Мбит в секунду. Переход на частоту 60 ГГц позволит существенно улучшить этот показатель.

Создан электронный переводчик на древнейшие языки

Американские ученые из Университета передовых технологий создали весьма необычную систему электронного перевода, которая должна заинтересовать, прежде всего, историков и людей, изучающих культуру древних народов. Дело в том, что переводчик позволяет преобразовывать слова и фразы на английском языке в египетские иероглифы и клинопись.

Сервис, разрабатывавшийся Джо Маккормаком, доступен на сайте VirtualSecrets. На главной странице ресурса посетителям предлагается выбрать один из трех разделов — ассирийская и вавилонская клинопись, египетские иероглифы и шумерская клинопись. Далее в специальное поле достаточно ввести одно или несколько слов и нажать на кнопку перевода. После этого, в зависимости от сложности начальной фразы, система отобразит ее частичный или полный перевод на древнем языке.

В настоящее время сервисом пользуются самые различные учреждения и организации из трех десятков стран по всему миру. В перспективе Маккормак рассчитывает повысить точность перевода и расширить базу данных сервиса. Помогут в этом, как ожидается, специалисты музеев и исследовательских институтов.

Microsoft выплатит 179 миллионов долларов

Microsoft урегулировала коллективный иск жителей штата Айовы, обвинявших ее в завышении цен на свои программы. Окружной суд штата постановил, что компания должна выплатить им 179 миллионов долларов в качестве возмещения ущерба. Предметом иска стало то, что Microsoft продавала софт по цене, превышающей его рыночную стоимость в условиях отсутствия какой-либо существенной конкуренции. Истцы, правда, требовали от корпорации 330 миллионов долларов, однако суд решил сократить размер компенсации почти вполовину.

Согласно вердикту, жители Айовы вправе получить от Microsoft 16 долларов за каждую купленную копию Windows или MS-DOS в период с 18 мая 1994 года по 30 июня 2006, 29 долларов - за копию Excel и 10 долларов за копии Word, Works и Home Essentials. Заявки на получение денег будут рассматриваться до 14 декабря. Незаявленные средства будут переведены в специальные ваучеры, которые власти передадут местным школам для закупки новых компьютеров и оборудования.

По материалам интернет

АФОРИЗМ

В богатстве и достатке славы нет,
А в жадности — причина многих бед.

Алишер НАВОИ



Новые акции от Центра UZINFOCOM

Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM при Узбекском агентстве связи и информатизации объявляет о начале нового цикла образовательных акций, призванных повысить у населения и особенно молодёжи интерес к информационным технологиям.

Акция службы UZ-CERT

Описание

В период с 17 по 21 сентября 2007 года на специально созданном веб-сайте test.cert.uz пройдет он-лайн викторина из 30 вопросов по **информационной безопасности**. Победителем будет определён тот участник, который правильно ответит на все вопросы тестового задания и потратит наименьшее количество времени на ответы.

Пользователь будет иметь свое уникальное имя и пароль в системе и в период прохождения конкурса сможет отвечать на заданные вопросы в произвольном порядке.

Призы победителям:
1 место – Лазерный принтер;
2 место – Беспроводная клавиатура и мышь;
3 место – 4GB USB Data Flash.

Условия участия

Регистрация участников акции будет проводиться на uForum с 3 по 15 сентября 2007г. Всем зарегистрированным участникам будут выданы персональные логины и пароли для входа на сайт, на котором будет проходить викторина.

Сроки

Акция стартует 3 сентября и продлится до 22 сентября 2007г. Итоги акции будут подведены и объявлены 22 сентября на сайте www.cert.uz. Награждение победителей состоится в 12:30ч 25 сентября 2007 года на стенде UZINFOCOM на выставке ICTExpo 2007.

Акция uForum Ultimate

Центр UZINFOCOM объявляет о начале акции по определению самых полезных и активных участников uForum, имеющих регистрацию Open ID. С 4 сентября по 21 сентября путем публичного голосования на сайте uForum из 10 предварительно отобранных кандидатов будут определены три самых полезных участников данного форума, которым будет присвоено звание uForum Ultimate. Предварительный отбор кандидатов осуществлялся путём согласования с наиболее авторитетными участниками uForum.

Награждение победителей состоится в 10:30ч. 26 сентября 2007 года на стенде UZINFOCOM на выставке ICTExpo 2007.

Xabar +tv

ДУШАНБА — 10 СЕНТЯБР

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.50 "Олтин мерос".
9.00 "Олам ва одам" дастури: "Замин ғаройиботлари".
"Болалар сайёраси":
9.25 "Покахонтас". Мультсериал.
9.50 "Ҳаёт манзаралари".
10.00 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.15 "Довюрак самурай". Телесериал.
11.50 "Юртим бўйлаб" дастури: "Паландара жилолари".
12.00 "Ассалом Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
13.05 "Олам ва одам" дастури: "Экспедиция".
13.50 "Она юрт наволари".
14.00 "Ахборот".
14.20 "Алдагани хотин яхши". Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли.
15.50 "Бу менинг Ватаним!" Қорақалпоғистон Республикаси.
16.25 "Яхшилар ёди". 1-қисм.
"Болалар сайёраси":
16.45 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 "Олтин мерос".
— **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6,0 DELPHI)** – 3 ой, 1 ойга – 60 минг сўм.
— **SQL(Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** – 2 ой, 1ойга – 60 минг сўм.
— **Уяли телефонни таъмирлаш** — 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
— **Программаларни ўрнатиш, компьютерларни йиғиш ва тузатиш, дискларга ва уяли телефонга музика, расм ёзиш, катта ҳажмдаги сканер ва ксерокс хизматлари.**

III. Тилларни мукаммал ўрганиш бўлими:
(кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
— **Инглиз тили** – (бошловчилар учун) – 4 ой, (чуқур ўрганиш) гид-таржимон — 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби – 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.
— **Немис тили, француз тили ва корейс тили** – (тўлиқ курс) — 1 йил, тезкор — 6 ой, 1ойга — 20 минг сўм.
— **Рус тили** – (бошловчилар учун) – 4 ой, (давом эттирувчилар учун) — 4 ой, гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.

IV. Йигит-қизларни ҳаётга тайёрлаш бўлими:
(фақат кичик гуруҳларда)
— **Сартарош—стилист, педикюр—маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) — 4 ой, 1 ойга —15 минг сўм, тезкор — 2 ой.
— **Тирноқларни ўстириш, коррекциялаш. Акрил ва гуаш билан гул ясаш ва чизиш** (якка тартибда) — 1 ой — 100 минг сўм.
— **Косметолог—визажист** – (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга – 15 минг сўм,тезкор — 1 ой.
— **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** (компьютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга – 15 минг сўм. Ўқиш поликлиникада, тезкор — 3 ой.
— **Фармацевтика** (компьютер, интернет б-н)—1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. (Ўқиш дорихонада), тезкор — 3 ой.
— **Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** – 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.
— **Астарли устки кийимлар тикиш** – 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (якка тартибда), тезкор — 1 ой.
— **Тўй ва оқшом кўйлакларини тикиш** – 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (якка тартибда), тезкор — 1 ой.
— **Газламалардан гуллар ясаш** — 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (якка тартибда), тезкор — 10 кун.
— **Кўлда кийим—буюмлар тўқувчи** (олий курси б-н) – 3 ой, 1 ойга –15 минг сўм (якка тартибда), тезкор — 1 ой.
— **Бисер усулида каштачи—безакчи** – (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга – 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
— **Бисер асосида дизайн** — (якка тартибда) — 2 ой, 1— ойга 20 минг сўм.
— **Машинкада ва кўлда кашта тикиш (вишивка)**–муддати 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (якка тартибда).
— **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** — 2 ой, 1—ойга 15 минг сўм
— **Уйғур, миллий ва европа таомлари** (50 дан ортиқ овқатлар) —3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
— **Пазандалик** — (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, 1 ойга – 15 минг сўм, тезкор — 1 ой ва 1,5 ой.
Тортларни олий даражада безатиш санъати — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
— **Заргарлик** — 6 ой, 1 ойга 35 минг сўм. Якка тартибда заргар ўргатади, тезкор — 3 ой.
Дарслар фақат якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ҳужжат топширганингизданоқ бошланади.
Стандарт ўқув дастурлари ва кўлланмалари ёрдамида тушунарли усулларда чин дилдан **«устоз—шогирдлик»** асосида, қатъий тартиб муҳитида мутахассислар томонидан ўргатилади. Бир мавзуни ўзлаштирмасдан кейингисига ўтилмайди. Натижада амалиётда бемалол ишлаб кета оласиз!

Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат **паспорт** ёки **туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома** талаб қилинади. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига кўра **лицензияланган диплом** берилади.
Қабул: 9:00-19:00, дам олиш куни – якшанба. **Ётоқхона** – 1 ойга 25000 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 84-уй, «Қозоғистон» кинотеатрининг ўнг томони. (Автобуслар: 9,19,20,24,50,51,60,67,72,85,88,89,91,93,95,115)
Келиш йўли: метронинг Минор, автобусларнинг «Қозоғистон» кинотеатри бекати.
Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.

30 йилдан ортиқ касб-ҳунар!!!

Лицензия № ASUZ 00192200TT0002-05

HAMKASBLARIMIZ

Зиё маскани фидойиси

Мийрихан Абдисадиқова Нукус давлат педагогика институтининг тамомлагандан сўнг шаҳардаги Республика кутубхонасига ишга кирди. Бу ерда у Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Хоним опа Есбосиновага шогирд тушиб, касб сирларини ўрганди. Хоним опанинг хотираси жуда кучли эди. У кутубхона жавонларидан мижозга зарур китобни бир зумда топиб бера олар, фойдаланиб бўлинган китобларни ўз ўрнига қўйишни шогирдларидан қаттиқ талаб қиларди. Мийрихан устоз ўгитларига қулоқ солиб, кутубхоначилик ишида тартиб ва интизом, ўткир хотира нечоғлиқ зарурлигини ҳис қилди. Кутубхоначилик ишларини сидқидилдан ўрганди. Айниқса, алифболи каталог тузиш кутубхоначи ишига катта ёрдам беришини тушуниб етди ва амалда қўллай бошлади.

— Буюк сиймолар, алломалар, ёзувчи ва шоирларнинг юбилей саналарига атаб бурчаклар, адабий кечалар ташкил қилиш, китобхонлар билан суҳбатлар уюштириш, савол-жавоблар, асарлардан намуналар, кўргазмали стендлар ташкил қилиш кутубхоначининг ҳар куни қиладиган ишларидандир, — дейди Мийрихан опа биз билан суҳбатда. — Йил бошидан Янги йил, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз байрами, Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб махсус тадбирлар ўтказдик.

Опа билан бирга ишлаётган Турангул Айтимбетова, Арухан Боймуротова, Серегул Жугинисова, Гулзар Аббазова, Жилек Тлеубаевалар Мийрихан опани устоз сифатида ҳурмат қилишади ва ундан маслаҳатлар олиб туришади.

Мийрихан опа турмуш ўртоғи Расберген ака билан икки қиз, бир ўғилни вояга етказиб, неваралар оғушида бахтиёр ҳаёт кечирмоқда.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, бугунги кунда зиё маскани — кутубхонани янги технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Компютер, интернет воситасида масофасиз хоҳлаган адабиётлардан фойдаланиш имконияти яратилаётган масканда ўз ишининг фидойиси Мийрихан опа сингари меҳнаткаш ходимлар билан кутубхона жамоаси доимо фахрланишади.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,
«Xabar»нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги мухбири

MUTOLAA

Филология фанлари доктори, профессор, халқаро "ЮНЕСКО" мукофоти совриндори Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ ўттиздан ортиқ илмий, бадиий асарларнинг муаллифидир. Адибнинг янги асари — "Мирзо Улуғбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим" бадеа-қиссасида ҳам буюк подшоҳ ва алломанинг қизи Робия Султонбегимнинг қисмати, руҳий кечинмалари, Мовароуннаҳрнинг янги подшоҳи, темурийзода Абу Саид Мирзо билан ўзбек улуси ҳукумдори Абулхайрхон муносабатлари тарихий воқеалар фонида жуда кўп ҳаётий тафсилотлар, нозик ва сирли жиҳатлар билан тасвирланган. Бу асар яқинда "Фан" нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Китобга филология фанлари номзоди, доцент Адҳамбек Олимбеков муҳаррирлик қилган. Қуйида ана шу асардан олинган парча билан танишасиз.

РОБИЯ СУЛТОНБЕГИМ

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Мовароуннаҳр ҳукмдори ва буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг Робия Султонбегим номли қизи бўлган. 1451 йилда Султон Абу Саид Мирзо ўзбек хони — Абулхайрхон ёрдамида Самарқандни забт қилган вақтда, Робия Султонбегимни Абулхайрхон ўз никоҳига киритиб, Туркистонга олиб кетади. Робия Султонбегим Абулхайрхондан икки ўғил туғади, каттасига Кўчкунчихон, кичигига Суюнчихон деб ном берадилар. Хондамирнинг ёзишича, Улуғбек Мирзонинг етти қизи бўлган. Булардан бири Тўра Туркон ёшлигида вафот этган. Иккинчиси Оқа Тўғондир. Аммо негадир Робия Султонбегим ҳақида ҳеч нима дейилмайди.

Бир пайтлар Амир Темурнинг тилаги билан Самарқандни жанубида барпо қилинган Боғи Навнинг ёнатрофи баланд деворлар билан ўралган, унинг марказида қимматбаҳо кошинлар билан безатилган салобатли қаср кўкка бўй чўзган. Боғнинг олдидаги чинни ҳовуз, Нурота мармари ётқизилган кенг ва текис йўлаклар, дид билан экилган гуллар, тиккомат сарвлар, арғувонлар, ҳил-ҳил пишган олма, анжир, узум, гилослар Боғи Навга айрича кўрк, ҳусн бағишлаган. Аллақачон кеч кирган бўлишига қарамай, қушлар чириллашиб, шохдан-шохга қўнишади. Думлари узун қарқуноқлар, булбуллар, зарғалдоқлар бир-бирларига гал бермай сайрашгани-сайрашган.

Мана бир неча йилдирки, бу боғда Мирзо Улуғбекнинг бевалари, фарзандлари, набиралари яшашади.

Тонг отди. Бугун Боғи Нав тинч, осойишта. Гўё бу ерда аллақачон ҳаёт сўниб қолгандек. Ҳар кунги қушлар чуғури, итлар ҳуриши эшитилмайди. Доим учиб-қўниб юрадиган мусичалар қаёққадир ғойиб бўлган.

Оила бошлиғи, Робия Султонбегимнинг ўгай онаси Руқия Султонбегимнинг руҳи сўлғин, кайфи паст. Унинг имо-ишораси билан жория дастурхон ёзишга киришди. Гулдор ипак дастурхон турли хил ноз-неъматлар билан безалди. Чинни лаганларда яхна қўй гўшти, сиркада ўлдирилган анзурий пиёз билан саримсоқ, иссиқ нонлар ва бир коса қаймоқ келтириб қўйилди.

Ички хонадан эгнига бахмал кўйлак, оёғига рангоранг ипакдан тикилган чиройли ковуш кийган Робия чиқиб келди.

Руқия Султонбегим қизининг кайфияти билан қизиқар экан, майин овоз билан деди:

— Мен сизни ўз туққан қизимдан ортиқ кўрсам кўраменки, асло кам кўрмаймен. Қизим, куни кеча падарингизнинг шогирдларидан бири янги гап топиб келди. Гўё сизни Султон Абу Саид Мирзо ўзбеклар хони Абулхайрхонга тортиқ қилмоқчи эмиш... Бу гап чинми ёки шунчаки тўқилган миш-мишларми... Буни ҳозирча ҳеч ким билмайди.

— Мен рози бўлмаймен, — жаҳл билан жавоб берди Робия.

— Шошма қизим, подадан олдин чанг чиқармайлик...

— Йўқ... Йўқ... Мен истамаймен... Падаримнинг душманига хотин бўлиш... Бу не кўргулик экан.

— Ул тақдирда Султон Абу Саид Мирзо барчамизни зиндонбанд қиладур.

Шу пайт ташқарида отларнинг кишнаши, нотаниш одамларнинг гангур-гунгир овозлари эшитилди.

Қаср оддида мулозимлар қуршовида шаҳар доруғаси Ҳикматбек кўринди.

Руқия Султонбегим нотаниш мулозимларни илиқ қарши олди.

— Малика Робия Султонбегим қаерда? — дағдаға билан сўради доруға.

— Уйда.

— Маликага айтунг, тезда кийинсун, биз билан Кўксаройга борадиг, уни Султон Абу Саид Мирзо кутмоқдалар.

Руқия Султонбегим Робиянинг хонасига кирди.

— Саройдан мулозимлар келишибди. Сен ҳам улар билан борар эмишсен.

— Мен ҳеч қаёққа бормаймен.

— Қизим, — деди Руқия Султонбегим ялиниш овози билан, — саройга бориш керак.

— Тушунинг ойи, мен рози эмасмен.

— Мен-ку, сени тушунамен, аммо Абу Саид Мирзонинг иродаси шу бўлса...

— Султон ҳам одам-ку, дардимни айтсам тушуниб қолар.

— Шу дардингни айтиш учун саройга боришга, Султонни кўришга тўғри келади.

Робия Султонбегим падари совға қилган, ёқасига, қайтарма енгига, этагига марварид доналари тақилган сариқ рангли узун кўйлаги ва почаларига инжу тикилган лозимини кийди, шоша-пиша юзига упа-элик суртди. Шоҳи рўмолчаси билан ёшли кўзларини арта-арта ташқари чиқди.

Робия хаёл билан бўлиб, Кўксаройга етиб келганини ҳам сезмай қолди. Мулозимлар уни эшик оғасига топшириб, бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

Маликани бошлаб келаётган эшик оғаси ўймакор нақшли эшик олдида тўхтади. Бир пас тин олиб, ичкари кирди. Зум ўтмай қайтиб чиқди ва Робияга "кир" деган маънода ишора қилди.

Робия кўрдики, тилло тахтда қорамағиз юзли, қуюқ қошли, қирра бурун Султон Абу Саид Мирзо савлат тўкиб ўтирибди, уйқусизликданми, ҳар қалай кўзлари қизарган, қовоқлари шишган, руҳи паст, ғамгин.

Султон Абу Саид Мирзо бир пайтлар унга ҳомийлик қилган Мирзо Улуғбекнинг суюкли қизи Робия Султонбегим ҳақида кўп эшитган. Лекин унинг бу қадар хушсурат, соҳибжамол малак эканлигини тасаввур ҳам қилмаган эди... "Эҳ... аттанг, Абулхайрхонга шошилиб ваъда бериб қўйибмен... Ҳали ҳам кеч эмас... Берган ваъдамдан воз кечсаммикин! Бу фаришта янглиғ ҳурликони қўлдан чиқариб юбориш гуноҳи азимдур... Йўқ... Йўқ... Нима деяпман ўзи... Менга ҳозир маликадан кўра тожу тахт афзал..."

— Маликам, — дея сўз бошлади хиёл кулимсираб Абу Саид Мирзо, — биз аркони давлат машварат қилиб, сизнинг ўзбеклар хони Абулхайрхон никоҳига киришингизни маъқул топдик.

— Олампаноҳ... — Робиянинг айтмоқчи бўлган сўзлари томоғига тиқилиб қолди... Ихтиёр сизда, лекин...

— Буюк Темурийлар салтанатини, сизнинг отангиз, султони шаҳид қўлидан ноҳақ тортиб олинган давлат, тожу тахтни ёғийларга олдириб, вайрон ва хароб қилмаслик учун, отабоболаримиз давлатини асраб қолишдай буюк вазифа сизнинг бир оғиз сўзингизга боғлиқ бўлиб қолди.

— Олампаноҳ... эшитганмен... Сизнинг карамингиз кенг.

— Очиқроқ айтинг, малика.

— Бу ишда бир оз фурсат берсангиз.

— Яна нима тилагингиз бор?

— Падари бузрукворим Мирзо Улуғбекнинг китобларидан бир қисмини ўзим билан олиб кетишга изн сўраймен.

Султон чапак чалиб, эшик оғани чақирди.

— Кутубхона мутасаддисига айтинг, малика танлаган китобларни бериб юборсун.

Робия Султонбегим Боғи Навга етиб келганида Руқия бегим уни илҳақ бўлиб кутиб ўтирган эди.

— Нима гап, тинчликми?

— Бир ҳафтадан кейин Конигилда тўйим бўлар эмиш...

— Рози бўлдингми?

— Вазият, салтанат тақдири, истиқболи шу мушкулотга боғланиб қолмиш... Аммо Абу Саид Мирзо бир ўтинчимни инобатга олди. Падаримнинг китобларидан бир қисмини ўзим билан олиб кетишга изн сўрадим...

— Раҳмат қизим, падарингнинг руҳини шод қилибсен, қани, тезда нонушта қилиб олайлик, сўнгра ҳазрати бобонг ва падарингнинг қабрларини зиёрат қилиб келамиз. Саройдан келган хос соқчилар бизларни кузатиб боради.

Улар Гўри Амир мақбараси олдига етиб келганларида атроф жимжит, зиёратчилар деярли йўқ эди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида Низом»нинг 48-бандига асосан, Денов "АТР" телевидениесининг (Сурхондарё вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2006 йил 31 июлда берилган АА серияли 0001638 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 22 августдан тикланди.

Юқорида кўрсатилган Низомнинг 49-бандига асосан, «GLOBALNET» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001630 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 31 августдан тўхтатилди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали Ровон почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ меъёрловчиси Раҳимжон ЖОНИЗОҚОВни туғилган куни муносабати билан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва ишларига омад тилайди.

***

«ЎзИ-Қарши» филиали жамоаси корхонанинг мижозлар билан ишлаш бўлими биллинг ассистенти Санжар ЙЎЛДОШЕВ, филиал диспетчери Шуҳрат УМИДОВ, электромеханиклар — Илҳом ҲИКМАТОВ ва Борис ТУРСУНОВларни таваллуд топган кунлари билан муборакбод этади. Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, фаолиятларида ривож тилайди.

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ!

1 сентябр — Республикамиз Мустақиллиги куни бизнинг оиламиз учун қўшалоқ байрам. Шу куни меҳрибон онажонимиз ***Имканям ҚУРБОНОВА****нинг таваллуд топган куни. Онажонимиз 26 йилдан буён "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиалининг Марказий зал оператори бўлиб ишлайди. Уларни ҳамма ҳурмат қилади. Азиз онажон! Биз сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга соғлиқ-саломатлик, ишларингизда ривож тилаймиз. Бахтимизга омон бўлинг!*

Қизларингиз Нигора ва Дилафрўз

RIVOYAT

ОҒРИҚ СЎЗНИНГ ИЗИ

Бир донишманднинг ёлғиз ўғли бўлган экан. Ота ўғлига ҳар томонлама мукаммал тарбия беришга ҳаракат қилибди. Ўғил ота талаби ва хоҳиши билан диний ва дунёвий илмларни ўрганибди, темирчига шогирд тушиб ҳунарли бўлибди. Қоматдор ва хушсурат бу йигитча ҳар қандай одамнинг ҳаваси келадиган даражага етибди. Лекин отанинг ўғилдан кўнгли тўлмабди. Сабаби, ўғил тили билан одамларга озор берар экан. Бу одамнинг ёши улуғ ёки ёш бола билан тенг бўлиб ўтираманми, деб ўйлаб кўрмас, гап келганда отангни ҳам аяма, дегувчилар хилидан экан. Кўпинча отасининг танбеҳи билан ўзидан озор топганлардан, аммалари-ю, холаларидан кечирим сўрар экан.

Бир куни ота ўйлай-ўйлай бир қарорга келиб, дўкондан бир халта мих сотиб олиб келибди. Ўғли келгач, михларни бериб, кимга қаттиқроқ гапирдим деб гумон қилганида ҳовли четидаги тўнкага биттадан мих қоқишни буюрибди. Сабабини сўраган ўғилга бунинг жавобини бир йил кейин айтишини билдирибди.

Лекин орадан ярим йил ўтмай, ўғил ота олдига келиб:

— Берган михларингиз тугади, энди бу ишингиз боисини айтинг, отажон, — дебди.

Ота ўша михларни суғуриб олишни буюрибди ва ўзи бу ишнинг тепасида турибди. Ўғил михларни қийинчилик билан суғуриб, отасига берибди.

— Кўрдингми, — дебди ота. — Аввало михларни суғуришга қанча куч кетказдинг. Демак, бировга озор бергандан кейин кечирим сўраш — ўта мушкул иш. Қолаверса, михлар суғурилди-ю, тўнкада изи қолди. Сен минг бор узр сўраганинг билан, хафа қилган одамингнинг озорланган дили таскин топмайди — ёмон сўз эсидан чиқмайди. Доноларимиз "Билган топиб гапиради, билмаган қопиб" деб бежиз айтишмаган. Сен ҳар қандай ҳолатда ҳам атрофингдагиларга озор бермаслик ҳаракатини қил.

Ўғил отанинг ибратли тадбири олдида бош эгибди ва ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган, дилозорлик қилмайдиган бўлибди.

Гулбаҳор ҲАЙДАРОВА

BILASIZMI?..

Ҳозирги кунда дунё аҳолиси 5000 тилда сўзлашади ва 65 хил алифбодан фойдаланади. Улар орасида энг кенг тарқалгани лотин алифбосидир.

Кавказ тоғлари аҳолиси сўзлашадиган убих тилида 85 хил ундош товуш учрайди. Ўзбек тилида эса уларнинг сони 25 та.

Ер юзидаги энг қадимги рақам белгилари Месопотамия (ҳозирги Ироқ ҳудуди)дан топилган. Тахминларга кўра, улар эрамиздан олдинги 9 минг йиллик ўрталарида ёзилган. Хитойнинг Сиан шаҳарчасидан эса 6-7 минг йиллик тарихга эга "5", "7" ва "8" сонларини ифодалайдиган белгилар аниқланган.

Марказий Ветнам аҳолиси сўзлашадиган седанг тилида 55та унли ҳарф ишлатилади. Абхаз тилида эса уларнинг сони атиги иккита — "а" ва "и".

"О" — ҳарфи 3300 йил бурун ҳам ҳозиргидек кўринишга эга бўлган. Бу шаклдан финикияликлар милоддан олдинги 1300 йилда фойдалана бошлашган.

Энг кўп учрайдиган товуш — "а". Ер юзида бирор-бир халқ йўқки, уни ишлатмаса!

Палиндром, бу — тескарисига ўқилганида ҳам маъноси ўзгармайдиган сўзларнинг илмий номи (масалан, қовоқ, катак). Дунёдаги энг узун палиндром сифатида фин тилидаги "saippuakivikauppias" сўзи эътироф этилган. У 19 ҳарфдан иборат бўлиб, "ипак сотувчиси" деган маънони беради. Инглиз тилидаги энг узун палиндром тўққиз ҳарфдан иборат «redivider», яъни "пардевор" сўзи ҳисобланади. Шунингдек, 11 ҳарфли "detartrated" деган кимёвий атама ҳам мавжуд.

Энг узун аббревиатура, яъни қисқартма сўз «SKOMKHP-HKJCDPWB». Бу — Малайзиядаги мамлакатлараро пул жўнатиш билан шуғулланувчи кооператив корхоналардан бирининг номи. Корхона ходимлари 15 ҳарфдан иборат маэкур қисқартманинг ўзини яна бир карра қисқартириб, оддийгина «SKOMK» деб атайдилар.

Инглиз тилидаги "set" сўзининг от сўз туркуми сифатида 58, феъл сўз туркумида 126 ва сифат сўз туркуми сифатида 10 хил маъноси бор.

AJIB DUNYO

ЭНГ АҚЛЛИ ҚИЗАЛОҚ

Британиялик икки яшар қизалоқ мутахассисларни шоширib қўйди. У заковат коэффициенти бўйича ўтказилган тестда 152 балл тўплаган. Шу тариқа Жоржия Браун сайёрамиздаги энг ақлли кишилар рўйхатидан жой олди.

Жоржия Гемпшир графлигининг Алдершот шаҳарчасида истиқомат қилади. Онаси унинг фавқулодда тез ўсаётганини кўриб ҳайратга тушган. Жоржия беш ойлигида эмаклай бошлаган, тўқиз ойлигида юрган, 18 ойлигида гапирган.

Тест синови бутун дунё бўйлаб Iq (интеллект даража)си ўта юқори кишиларни ўзига бирлаштирувчи "Mensa International" ташкилоти томонидан ўтказилди. Руҳшунос Жоан Фриманнинг айтишича, қизалоқ бундан ҳам юқори натижа кўрсатиши мумкин эди. Бироқ 45 дақиқалик тажрибадан сўнг уни ухлагани ётқизиб қўйишди.

"Mensa International"да тасдиқлашларига кўра, Жоржия уларнинг энг ёш ўткир ақл соҳибаси. Шу пайтгача ташкилотнинг энг ёш аъзоси 1990 йилда рўйхатга киритилган бола эди.

QANDOLATCHILIK SABOQLARI

ШАФТОЛИЛИ ШАРЛОТКА

Зарур маҳсулотлар:

3 дона тухум, 5 ошқошиқ шакар, 3 ошқошиқ сут, 4 ошқошиқ ун, 1 чойқошиқ разрыхлитель (юмшатувчи модда), 1 ошқошиқ маргарин, 1 банка консерваланган шафтоли, 200 мл шампан виноси, 20 г желатин, 500 мл қаймоқ, 1 дона тайёр бисквит коржи, 250 г ўрик жеми.

Тайёрланиши:

Тухум сариғини сут, ун билан қориштириб, унга юмшатгични аралаштиринг. Алоҳида идишда тухум оқи билан шакарни аралаштириб, сўнг қолган маҳсулотларни ҳам авайлаб шу қоришмага қўшинг. Хамирни 10-15 дақиқа давомида газ печида пишириб олинг. Коржни совумасидан ўрама шаклида ўраб қўйинг.

Сўнг очиб, орасига жем суринг ва яна ўранг. Бисквит устидан шоколад ҳам қуйишингиз мумкин.

Сўнг ўрамани 0,7 см қалинликда кесиб чиқинг.

Шафтолининг 1/3 қисмини кубик шаклда кесиб чиқинг, қолганини эса пюре ҳолига келтиринг. Пюрега шампан виноси ҳамда шакарни қўшиб, аралаштиринг. Желатинни совуқ сувда ивитинг. Кўпчигач, сув буғида эритиб, пюрега аралаштиринг. Қаймоқни миксер ёрдамида яхшилаб аралаштиргач, кубик шаклида кесилган шафтолиларга қўшинг. Сўнг қаймоқли аралашмани желатинли қоришмага қўшинг. Ликопга аввал ўрамаларни териб чиқинг. Сўнг устидан кремни қуйиб, устидан яна ўрамаларни териб чиқинг. Шарлоткани 3 соатга совутгичга қўйинг.

ХАНДАЛАР

Вокзалдаги ошхонада:
— Официант, нега овқатни жуда кам сузибсизлар?
— Йўловчиларимиз поездга кечикишмасин дедик-да!

Эр уйга келиб хотинига деди:
— Мана, иккита лотерея чиптаси олиб келдим.
— Нима бало, эсингни еб қўйганмисан? — қичқирди хотини. — Нега иккита сотиб олдинг. Ахир газетада ёзишларича, лотереяда битта асосий ютуқ бор-ку.

Отто Краузе нонуштадан кейин қўлига газетани олиб ўқишга берилди. У ҳар бир мақолани диққат билан қайта-қайта ўқирди.
— Отто, нега ўтирибсан, ишга бормайсанми?
— Кечирасан, жоним, — деди Отто шоша-пиша кийинаркан, — мен аллақачон ишхонамда ўтирибман деб ўйлабман.

Концерт пайтида бир аёл эрини туртиб деди:
— Эрвин, қара, анави киши концерт пайтида ухлаб ўтирибди-я.
— Шуни деб мени уйготганингни қара-я! — деди эри жаҳли чиқиб.

И.АҲМЕДОВ тайёрлади

АЛОҚАЧИ ЛУҒАТИ

● Оммавий ахборот (ru — информация массовая, en — mass information) —Чекланмаган шахслар доираси учун мўлжалланган босма, аудио, аудиовизуал ва бошқа хабарлар ҳамда маълумотлар.

● Талаб қилинмаган ахборот, спам (ru — информация незапрошенная, спам, en — nonrequested information, spam) — 1. Почта қутиси эгасига расмий талаб юбормасдан ёки уни розилигини олмасдан туриб, электрон почтадан фойдаланган ҳолда юборилган хабар кўринишидаги ахборот.

2. Қоидага кўра, реклама хусусиятига эга бўлган кўп сонли хабарларни уларни олишга буюртма бермаган манзилларга юбориш.

3. Кўп сонли ахборотни (тезкор усул каби) бошқа фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда уларни янгидан юклаш ёки рад этиш мақсадида тармоқнинг бир ёки бир нечта боғланган манзилига юбориш.

● Махфий бўлмаган ахборот (ru — информация несекретная, en — open information) — Давлат, хизмат, тижорат ёки шахсий сирларни ўзида акс эттирмайдиган ва очиқ матбуотда эълон қилиниши мумкин бўлган ахборот.

Изоҳ — Махфий бўлмаган ахборот ташқарига чиқиб кетишдан ҳимояланмайди, чунки ўзида бирор-бир сирни сақламайди, лекин агар у ҳужжатлар (кутубхона) ёки ЭҲМ маълумотлар банки шаклида тақдим этилса, яхлитлиги ва муҳосаралашнинг бузилишидан ҳимояланиши мумкин ва шарт.

SPORT

ЎЙИН МУДДАТИ МАЪЛУМ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ЖЧ-2010 саралаш ўйинининг дастлабки учрашувини Хитой Тайпейи термасига қарши ўтказиши тўғрисида аввал хабар берган эдик. Бироқ, шу пайтгача ушбу ўйиннинг муддати аниқ эмас эди. Ниҳоят учрашувлар ўтказиладиган кунлар борасида бир тўхтамга келинди. Терма жамоамиз биринчи учрашувини 13 октябр куни Тошкентда, жавоб ўйинини 28 октябр куни сафарда ўтказади.

ОЛДИНДА МУҲИМ УЧРАШУВЛАР

Эртага Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Пекин-2008 саралаши доирасида ўзининг навбатдаги учрашувини Сурия олимпиячиларига қарши ўтказади. Ўйин Самарқанд шаҳридаги "Олимпия захираларини тайёрлаш маркази" стадионида бўлиб ўтади.

Ушбу учрашувдан тўрт кун ўтиб, яъни 12 сентябр куни вакилларимиз Тошкент шаҳрида Бахрайн Олимпия терма жамоасини қабул қилади. Жамоа бош мураббийи Вадим Абрамов ушбу икки муҳим учрашувда иштирок этадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Корея олимпиячиларига қарши учрашувда иштирок эта олмаган етакчи футболчиларимиз Азиз Ибрагимов, Анзур Исмоилов ва Музаффар Умрзоқовлар ҳам рўйхатдан ўрин олган. Олдинги ўйинда қизил карточка олган ҳужумчимиз – Фарҳод Тожиев ўрнига "Трактор" клуби аъзоси Азиз Тўхтабоев терма жамоага жалб этилган. Кореяликларга қарши баҳсда жароҳат олиб, майдонни тарк этган жамоамиз сардори Азиз Ҳайдаров Сурия жамоасига қарши ўйинда майдонга тушмаслиги ҳам мумкин.

ЯНГИ ЎЙИНЧИЛАР УЧУН МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Англия премер-лигаси янги рекорд ўрнатди. Мавсум оралиғида лига клублари янги ўйинчилар учун 500 миллион фунт стерлинг (1,007 миллиард доллар) сарфлашди.

Ҳаммадан кўп "Манчестер Юнайтед" пул сарфлади – 51 миллион фунт, иккинчи ўринда "Ливерпул" – 50 миллион фунт. Кейинги ўринлардан "Тоттенхем"(40 миллион) ҳамда премер-лига дебютанти "Сандерленд" (35 миллион) клублари жой олган.

РУСЛАН ЧАГАЕВ МАШҒУЛОТЛАРГА КИРИШДИ

Суперогир вазнда WBA чемпиони Руслан Чагаевга шифокорлар машғулотларни бошлаш учун рухсат беришди. Ҳамюртимиз ўзининг биринчи ҳимоя жангини шу йилнинг якунига қадар ўтказиш ниятида.

Эслатиб ўтамиз, июл ойи охирларида Чагаевнинг бетоб бўлиб қолиши сабабли унинг WBO чемпиони Султон Ибрагимов билан белгиланган жанги ўтказилмайдиган бўлганди. 13 октябр кунига режалаштирилган баҳсга Чагаев ўрнига 44 ёшли Эвандер Холифилд таклиф этилган.

— Мен ўзимни соғлом ҳис қиляпман ва боксни соғиндим, — дея эътироф этди Руслан. — Шифокорлар машғулотларни бошлашим учун рухсат беришди. Ниҳоят яқин вақтларда рингга қўтарилиш имкони туғилди. Афсуски, Ибрагимов билан қўшма чемпионлик жанги ўтказилмай қолди. Умид қиламанки, бундай имконият яна юзага келади ва менинг барча камарларни бирлаштириш орзуим амалга ошади.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ ФИНАЛ БОСҚИЧИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлар, филиаллар, корхона, ташкилот ва муассасалар жамоаларининг Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган уч босқичли республика спартакиадасини ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ, "Бухоро Телеком" филиалига қарашли "Ёш алоқачи" болалар оромгоҳида ушбу спартакиаданинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоят алоқа тизимидаги бешта корхона вакиллари спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, кўпкураш турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Муросасиз ўтган баҳслар якунига кўра, спортнинг шахмат тури бўйича фахрли биринчи ўрин Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри Собир Орипов ҳамда "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси директорининг ўринбосари Фарида Умаровага насиб этди.

Шашка мусобақалари эса "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали ходимлар бўлими бошлиғи Матлуба Қодирова ва радиотелевизион узатиш маркази ҳайдовчиси Зариф Ўроқовлар фойдасига ҳал бўлди.

Спортнинг теннис тури бўйича баҳслар ҳам шиддатли кечди. Бу тур бўйича ғолиблик "Бухоро Телеком" филиали "07" хизмати оператори Шаҳодат Жўраева ҳамда 5-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси муҳандиси Аброр Муҳамедовларга насиб этди.

Умумжамоа ҳисобидаги волейбол баҳсларида ҳам "Бухоро Телеком" филиали спортчиларининг қўли баланд келди. Яъни, Гулбаҳор Саломова, Маҳбуба Жўраева, Шоҳсанам Наимова, Гулчеҳра Ибодова, Жамила Шарипова, Муниса Комиловалардан иборат жамоа спортнинг айнан шу тури беллашувларида ўз маҳоратларини намойиш этиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Мусобақа ғолибларига вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг дипломлари ва совғалари топширилди. Энди улар республика баҳсларида иштирок этадилар.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

РЕСПУБЛИКА СПАРТАКИАДАСИ

Шу йилнинг 13-14 сентябр кунлари Тошкент вилоятидаги "Алоқачи" болалар оромгоҳида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган Республика спартакиадасининг финал босқичи ўтказилади.

Унда Тошкент шаҳри ва вилоят босқичларида ғалаба қозонган жамоалар ғолиблик учун кураш олиб боради.

"Қорақалпоқ Телеком" филиали Хўжайли телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама ходими **Ақлбек БЕКТУРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шуҳрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:
100060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: *orif@infonet.uz*

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

853-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 7930 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Матн теруучи: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Покланиш ойи

Рамазон ойи мўмин киши учун чексиз неъмат, улкан савобларни қўлга киритишга сабаб бўладиган муддат — қалбни поклаш, нафсни ислоҳ қилиш учун бир имконият ойидир.



Рўзанинг фойдалари жуда ҳам кўп.

- Рўза йўриғига юриш ҳавою нафсни синдиради. Рўза тутган киши турли таом, ичимликлар, шаҳвоний лаззат ва истаклардан тийилиш билан ўзини синовдан ўтказади.
- Рўзадор шайтонга қарши боради. Маълумки, шайтон алайҳи лаъна ҳар доим инсон боласини яхшиликдан қайтариб, ёмонликка бошлашни ўзига одат қилиб олган. Инсон боласи қанча ёмонликка юрса, у шунча хурсанд бўлади. Аксинча, инсон боласи яхшилик сари борса, Аллоҳнинг амрини бажарса, шайтон бундан қаттиқ қийналади.
- Рўза тутган кишининг қалби тиниқлашади. Рўза сабр-бардошни орттиради. Бу эса инсон учун жуда ҳам зарур. Ўз ихтиёри ила ўзини тийган киши чинакам сабр-бардош эгаси бўлади.
- Рўза қалбда раҳм-шафқат ҳиссини уйғотади ва мустаҳкамлайди. Рўза тутган киши қийналиб юрган бева-бечора, камбағал фуқароларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлади.
- Рўзанинг энг катта фазилатларидан бири соғлиқдир. Рўза ихтиёрий оч қолишнинг энг яхши намунаси ҳисобланади. Рўза нафақат соғлиқни сақлаш учун, балки ҳар хил хасталикларни даволаш учун ҳам зарурлигини таъкидлаш ортиқча.

Рамазон ойини барчамиз учун муборак қилсин!

РАМАЗОН ТАҚВИМИ

Рамазон	Ҳафта кунлари	Сентябр	Саҳарлик тугаши	Ифторлик бошланиши	Қайдлар учун
1	Чоршанба	12	4:19	18:44	
2	Пайшанба	13	4:20	18:42	
3	Жума	14	4:21	18:41	
4	Шанба	15	4:22	18:39	
5	Якшанба	16	4:23	18:37	
6	Душанба	17	4:24	18:36	
7	Сешанба	18	4:25	18:34	
8	Чоршанба	19	4:26	18:32	
9	Пайшанба	20	4:27	18:30	
10	Жума	21	4:29	18:29	
11	Шанба	22	4:30	18:27	
12	Якшанба	23	4:31	18:25	
13	Душанба	24	4:32	18:23	
14	Сешанба	25	4:33	18:22	
15	Чоршанба	26	4:34	18:20	
16	Пайшанба	27	4:35	18:18	
17	Жума	28	4:36	18:17	
18	Шанба	29	4:37	18:15	
19	Якшанба	30	4:38	18:13	
20	Душанба	1	4:39	18:12	
21	Сешанба	2	4:40	18:10	
22	Чоршанба	3	4:41	18:08	
23	Пайшанба	4	4:42	18:07	
24	Жума	5	4:43	18:05	
25	Шанба	6	4:44	18:03	
26	Якшанба	7	4:45	18:02	
27	Душанба	8	4:46	18:00	
28	Сешанба	9	4:47	17:58	
29	Чоршанба	10	4:48	17:57	
30	Пайшанба	11	4:49	17:55	

Тошкентдан бошқа шаҳарлардаги вақтлар фарқи

Аввал: Чимкент (1), Конибодом (5), Қўқон (7), Жамбул (7), Наманган (10), Фарғона (10), Андижон (12), Ўш (14), Жалолобод (15), Бишкек (21), Олмаота (21).

Кейин: Бекобод (4), Туркистон (4), Жиззах (6), Гулистон (7), Денов (7), Жомбой (7), Самарқанд (9), Шаҳрисабз (10), Каттақўрғон (12), Қарши (11), Нурота (14), Навоий (19), Бухоро (21), Хива (35).

РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

Навайту ан асума совма шаҳро Рамазона миннал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала, Аллоҳу акбар.

ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика амантту ва алайка таваккалту ва ала ризқика афтарту, фағфирлий йа ғоффарту ма қоддамту ва ма аххорту бироҳматика йа арҳамар роҳимийн, Аллоҳу акбар.

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

"Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг янги ютуқлар" почта маркалари туркуми. 2001 йил 24 август.

368. "Қамчиқ туннели" купонли почта маркаси.
Маркада Қамчиқ довонидаги туннел тасвирланган.
Марка ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха. Варақда 2та марка, 2та купон бор.

369-380. "Меъморчилик ва қурилишдаги бунёдкорлик" купонли почта маркалари туркуми. Т.ЗАРГАРОВ дизайни. В.КОВРЕИН, Ф.ҚУРБОНБОЕВ фотоси.

Маркалар ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 42х30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха.

369. "Темурийлар тарихи музейи" почта маркаси.
Тошкент шаҳридаги "Темурийлар тарихи музейи" тасвирланган.

370. Оқсарой почта маркаси.
Тошкент шаҳридаги Президент қароргоҳи — "Оқсарой" тасвирланган.

371. "Олий Мажлис" почта маркаси.
Тошкент шаҳридаги Республика Олий Мажлисининг биноси тасвирланган.

372. "Мотамсаро она" почта маркаси.
Тошкент шаҳридаги "Мотамсаро она" ёдгорлиги мажмуасининг марказий ҳайкали тасвирланган.

373. "Шаҳидлар хотираси" почта маркаси.
Қатағон қурбонлари хотира мажмуаси тасвирланган.

374. "Интерконтинентал меҳмонхонаси" почта маркаси.
Тошкент шаҳридаги "Интерконтинентал" меҳмонхона мажмуаси тасвирланган.

375. "Миллий банк" почта маркаси.
Тошкент шаҳридаги Миллий банк биноси тасвирланган.

376. "Юнусобод спорт мажмуаси" почта маркаси.
Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги спорт мажмуаси тасвирланган.

369-376 маркалар 8та марка ва битта марказда жойлашган купондан иборат кичик варақ кўринишида босилган. Кичик варақ ҳошиясида ўзбек ва инглиз тилларида қуйидаги матн ёзилган: "Ўзбекистоннинг замонавий архитектураси".

ИНТЕРНЕТГА УЛАНГАН БЎЛСАНГИЗ

Ҳозир миллионлаб шахсий компютер эгалари ўз компютерларини бутун жаҳонга тарқалган ўргимчак тўридек ўзаро бирлаштириб "Интернет" ташкил қилганларки, бу тўрдан дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан туриб ҳар нарса ҳақида ва ҳар қанча маълумот олиш мумкин. Бундай киберфазонинг хотираси 100 миллиондан ортиқ шахсий ва профессионал ЭҲМлар хотирасини бирлаштириб турибди.